

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 46 (10.351)

2005 ЙИЛ 9 МАРТ

**ПОЙТАХТНИНГ  
Дир кўни**  
Янгиликлар, воқеалар

**ҚИСҚА**  
Самарқанд

● **ХАМЗА** туманидаги 151-мактабда туман Халқ таълими бўлими, туман ИИБ ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Хамза туман Кенгаши ҳамкорликларида ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида уюштирилган тадбир «Сиз қонунни биласизми?» деб номланди.

● **СЕРГЕЛИ** туманида туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар кўмитаси, туман маданият ва спорт ишлари бўлими, «Оила» маркази, «Маҳалла» жамғармаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлимлари ҳамкорликларида хотин-қизлар байрами муносабати билан тадбир уюштирилди.

● **«АЛ-АВЛОД»** қаҳвахонасида Хамза туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорликларида «Аёл муқаддас» мавзюда ўтказилган тадбирда туманининг фаол аёллари иштирок этишди.

● **ТОШКЕНТ** Давлат санъат институтида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Яққасарой туман Кенгаши томонидан ёшлар иштирокида уюштирилган фестивал «Талабалик баҳори» деб номланди.

● **РУС** академик драма театрида Миробод туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорликларида ҳамшаҳарларимиз учун концерт томошаси ўтказилди.

● **17-МАКТАБДА** юқори синф ўқувчилари иштирокида «Турон» маҳалласининг фаол аёллари, 31-поликлиника шифокорлари билан ўтказилган давра суҳбати оналар ва болалар саломатлигини асраш масаласига бағишланди.

● **«КАМОЛОТ»** ёшлар ижтимоий ҳаракати Миробод туман Кенгаши ташаббуси билан тумандаги ўқув муассасаларида сиёсий ҳуқуқий соҳа бўйича «Камолот» етакчилари учун ўқув семинари уюштирилди.

● **АКМАЛ** Икромов туман ҳокимлигида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши ташаббуси билан уюштирилган семинарда ўрта махсус касб-хунар таълими муассасаларининг «Камолот» етакчилари иштирок этишди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги  
Матбуот хизмати ва ўз  
мухбирларимиз  
хабарларидан.

*Изданиш самараси*

## «ОРЗУ» ОШ ТУЗЛАРИ — САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Йод етишмаслиги, камконлик ва темир моддаси танқислиги туфайли одамзот тана-сида вужудга келадиган касалликлар бугунги кунда бутун дунё ахлини ташвишлантираётган муаммолардан ҳисобланади. Шу боис республикамизда ҳам ушбу хасталикларнинг олдини олиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, йодланган ош тузи ишлаб чиқаришга ҳар қачонгидан жиддийроқ эътибор қаратишмоқда. Бу савобли ишга пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Орзу — ош тузи» шўъба корхонаси ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Мазкур корхона 2001 йил кузидан иш бошлаганди. Ушанда жамоа ахли 10-15 кишидан иборат бўлиб, ишлаб чиқариш қуввати ҳам шунга яраша ҳаминқадар эди. Эндиликда эса ишчилар сони қирқ кишидан ошиб кетди. Улар асосан Қорақалпоғистон Республикаси ва Навоий вилоятдан келтирилган хом ашёни қайта ишлаб, ҳар куни 8 тоннагача истеъмолга яроқли маҳсулот тайёрламоқдалар.

— Жамоамизда ишлаб чиқарилаётган ош тузлари тез эрувчанлиги, оғир ва қаттиқ кристаллардан яхши тозалангани билан алоҳида ажралиб туради. — дейди корхона лаборанти Татьяна Калугина. — Бундан ташқари, маҳсулотларимизнинг сақланиш муддати 12 ойгача бўлиб, олий навлиси таркибида 98,2, биринчи навлисида 97,5, иккинчи навлисида 97 фоизгача инсон саломатлиги учун зарур натрий хлорид, кераклик микдорда кальций, магний моддалари мавжуд. Ана шу боис кейинги пайтларда харидорларимиз сафи ортомқда. Айниқса, Андижон, Наманган, Фарғона, Сир-



дарё ва Самарқанд вилоятларидан кўплаб буюртмалар тушмоқда. Биз мижозларимизга қулайлик туғдириш мақсадида ош тузларининг қачон тайёрлангани, таркиби, сақланиш муддати қайд этилган ихчам ҳажми полиэтилен халта ва пластмасса идишларда қадоқланган ҳолда жўнатаямиз. Уларга «Йодочар» номли тест-қорихима-

ни ҳам қўшиб бераймиз. У харидорга сотиб олишда ёки ишлаб чиқариш олди-дан маҳсулот сифатини текшириб кўриш имконини беради.

Бозор иқтисодиёти кишини уддабуронликка, мудом ўз мижозлари сафини кенгайтириб боришга ундайди. Корхона ахли шунини назарда тутиб, охириги вақтларда яна бир янгиликка қўл урди: олий навли туз идишлари ичига ютуқли чипталарни солиб сотувга чиқаришни йўлга қўйди. Унга қўра, корхона ош тузини харид қилган киши кундалик емиш-таомларига таъм бағишлаш билан бир қаторда телевизор, видеомагнитофон, велосипед, шунингдек, футболчиларнинг корхона тамғаси туширилган майкаси сохибига айланishi ёки 25 килограмм тузни бепул олиши мумкин.

Изданишлар самара бериб жамоа ахли йилдан йилга иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаб бормоқда. Ишлаб топган соф даромадининг маълум қисми хайрия ишларига сарфланаётгани ҳам қувонарлиқдир. Чунончи, тадбиркорлар нагиронлар ва «Криди» жамиятларига мунтазам равишда оталиқ ёрдами кўрсатиб келмоқда. Айни пайтда эса маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириб, уларни хорижий мамлакатларга ҳам экспорт қилиш имкониятларини кидирмоқда.

**Нурали РЎЗИБОВ**  
СУРАТЛАРДА: корхона цехларидаги меҳнат жараёни.  
Ҳақимжон Солихов олган суратлар.

## ТЮРИНГИЯДА ҲАМКОРЛИК САЛОҲИЯТИ МУҲОКАМАСИ

Тюрингия федерал ўлкасининг Гера шаҳрида «Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий салоҳияти» мавзюда ахборот семинари бўлиб ўтди.

Семинар кун тартибидан республикамиз ва Тюрингия ишбилармонлари ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш масалалари ўрн олди. Тюрингия жадал суръатларда ривожланаётган Германия федерал ўлкаларидан бири бўлиб, йиллик маҳсулот айирбашлаш ҳажми 8 млрд. еврога ташқил этади. Бу ерда «Цейс оптик», «Опель», «Бш», «Штотт Гласс» сингари машҳур немис компанияларининг заводлари жойлашган.

Семинарда тўқимачилик, қурилиш, энергетика, кимё, кишлоқ хўжалиги, машинасозлик ва озиқ-овқат саноати соҳаларида фаолият кўрсатаётган 40 дан зиёд немис фирмалари ва компаниялари вакиллари

иштирок этишди. Гера савдо ва иқтисодий палатаси бош директори Петер Хёне ўз нутқида Ўзбекистон ГФРнинг Марказий Осиёдаги муҳим ҳамкорларидан бири эканини таъкидлади ҳамда Ўзбекистон ҳукуматининг иқтисодни янада эркинлаштириш, хорижий сармоядорлар фаолияти учун қулай шароитлар яратиш борасидаги сазой-ҳаракатларига юқори баҳо берди.

Тюрингиялик ишбилармонлар савдо-сармоявий ҳамкорлик имкониятлари, хорижий сармоядорлар ва компаниялар фаолияти учун яратилган имтиёзлар ҳамда ўзбек томонининг озиқ-овқат, қурилиш ва кимё саноати соҳаларидаги дастур-



**ХҲИ саҳоси**  
Барча маълумотлардан  
олинган сўнги хабарлар

**Мамлакатимизда**

● **АВВАЛ ХАБАР БЕРИЛГАНИДЕК, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ ҚАРИМОВНИНГ ТАКЛИФИГА БИНОАН ПОКИСТОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ПАРВЕЗ МУШАРРАФ РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН МАМЛАКАТИМИЗДА БЎЛДИ. ДЎРМОН ҚАРОҒОХИДАГИ МУЗОКАРАЛАР ЯҚУНИДА ПРЕЗИДЕНТЛАР ҲАР ИККАЛА МАМЛАКАТ ЎРТАСИДА ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚЎШМА БАЁНОТГА ИМЗО ЧЕҚИЛДИ.**

● **Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экинларни пайхон қилишга қарши кураш чораларини кучайтириш тўғрисида»ги қарори матбуотда эълон қилинди.**

● **Тошкентда «Тасвирий ойна» ижодий уюшмасининг 2004 йил якунлари бўйича кенгайтирилган йилгилиши бўлиб ўтди. Йилгилишда шунингдек, Сихат-саломатлик йилида амалга оширилиши мўлжалланган вазифалар ҳам белгилаб олинди.**

● **Жиззаҳ вилояти ҳокимлигининг Хотин-қизларни иш билан таъминлаш бўйича 2005-2007 йилларга мўлжалланган дастурига биноан жорий йилнинг ўтган икки ойида Тоқчилик, Учтепа, Мўлкалик, Каттақишлоқ, Хайробод, Тошкентлик, Катортал маҳаллаларида кўплаб хотин-қиз ишга бўлди.**

● **2004-2009 йилларда мактаб таълимининг ривожлантириш Давлат умумий миллий дастурига мувофиқ Наманган туманида бешта умумтаълим мактабларининг бинолари тўла реконструкциядан чиқарилади.**

**Жаҳонда**

● **Молдовада парламент сайловлари бўлиб ўтди.**

● **Фаластин маъмурияти вакилларининг маълум қилишича, мухторият етакчиси Махмуд Аббос шу оғир охирида АҚШ Президенти Жорж Буш билан учрашиш мақсадида Вашингтонга сафар қилади.**

● **Украинанинг собиқ Бош вазир Виктор Янукович мамлакатнинг НАТОга аъзо бўлиб кириш масаласини умумхалқ референдумига қўйиш таклифи билан чиқди.**

● **Сурия ўз қўшинларини Ливаннинг Бекаа водийсига жойлаштирмоқда. Расмий Вашингтон Сурия қўшинларини Ливандан май ойигача бутунлай олиб чиқиб кетиш лозимлигини таъкидламоқда.**

● **Доминикандаги Хегуэй камқонхонасида маҳбуслар ўртасида тўқнашув келиб чиқиши натижасида ёнғин суқиб бўлган. Партизисизликлар ва ёнғин оқибатида 140 нафар маҳбус ҳаётдан қўз юмган, ўнтаси ярадор бўлган.**

● **Москвада киберспорт, яъни компьютер ўйинлари бўйича аёллар ўртасида мусобақалар ташкил этилди.**

**Баҳриддин АСЛАНОВ**  
«Жаҳон» АА  
Берлин

**Транспорт**

**МАНЗИЛИМИЗ ЯКИН БЎЛАДИ**

“Тошшаҳарйўловчитранс” акциядорлик компанияси таркибига кирувчи автокорхоналарнинг ҳайдовчилари йўловчилар узоғини яқин, оғирини энгил қилишни зиммаларига олишган.

Мазкур компанияга қарашли 1-автобус корхонаси очик акциядорлик жамияти ҳудудидан тонг ёришмасданок 12 та йўналишда қатнайдиған 113 та автобус йўлга чиқади. Корхонада ўтган йиллик режа 100,5 фоизга уддаланди. Қувонарлиси, жамоанинг серғайрат ишчи-хизматчиларининг унумли меҳнатлари самараси ўларок 8,6 миллион сўмлик соф даромад олинди.

Ўзининг ушбу мавсумдаги аҳолига намунали транспорт хизмати кўрсатишдек эзгу мақсадларини амалга ошираётган жамоа аҳли ички имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда автоуловларнинг техник сифатини таъминлашга эътиборни қучайтирганлар. Жамоада, энг эътиборлиси, меҳнат интизомига қатъий риоя қилинади. Корхонанинг илғор йўналишларидаги автобуслар мохир ҳайдовчиларининг беназир меҳнатларидан йўловчилар беҳад мамнунлар. Чунки ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, жадвалга асосан ҳаракат қилиш асосидагина пойтахтлик ва унинг меҳмонларига юксак маданий хизмат кўрсатиш мумкинлигини жамоа аҳли яхши тушунади.

**ҚАТЪИЙ РЕЖА АСОСИДА**

Йўловчиларга намунали хизмат кўрсатишнинг ўзи бўлмайдди. Улар билан илиқ муомалада бўлиш ҳайдовчи ва чиптачиға ҳам бир хилда масъулият юклайди. “Тошшаҳарйўловчитранс” акциядорлик компаниясига қарашли 3-автобус саройида ҳам бу йўлда ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда мазкур автобус саройида 850 нафардан ортик ўз касбига меҳр қўйган ишчи-хизматчилар меҳнат қилмоқда. Асосий эътибор қимматли техникани авайлаб-асраш, уларга хизмат кўрсатиш учун сарфланадиган сарф-харажатларни камайитириш ва албатта, қатъий режа асосида аҳолига намунали транспорт хизматини кўрсатишга қаратилган.

Корхона дарвозасидан кунига 160 та автобус 21 та йўналишлар бўйлаб чиқиб, ўрта ҳисобда 90-92 минг йўловчиларга хизмат кўрсатади. Айни кунларда ишлар қатъий жадвал асосида олиб борилишига эътибор қаратилган бўлиб, йўловчиларни вақтида ва бехатар манзилларга элтишга эришилмоқда.

Муҳаббат  
ҲАБИБУЛЛАЕВА



Яхшиямки аёл бор — меҳри асрайди, Дунёни эзгу бир сеҳри асрайди. Вафо, ҳаё деган наҳри асрайди, Оламини мунаввар этади Аёл!..

Ҳақиқатан ҳам Аёл меҳри дунёни асрайди. Тирикликнинг пойдевори — гўзаллик, меҳр ва адолатдир. Оиладаги, бутун жамиятдаги мувоzanат — ҳалоллик, поклик, самимият ва адолат муҳитини мана шу гўзал, оқила аёллар ўзларининг беқиёс меҳрибонлиги, гамхўрлиги, қалби дарёлиги ила сақлаб турадилар.



**Тағбирлар**

**СЕН БАРИБИР МУҚАДДАССАН...**

Ўлкамизда баҳор айёми билан биргаликда келган 8 Март — хотин-қизлар байрами ҳамма жойда қизгин нишонланмоқда. Жумладан, куни кеча Юнусобод туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан «Сен барибир муқаддасан...» деб номланган байрам тадбири «Зарафшон» концерт залида бўлиб ўтди. Тадбирга дилбар аёллар ва лобар қизлар чехраларида бахтиёрлик ва шодлик, баҳорий кайфият ила қўлларида гулдасталар билан таширф буурдилар. Байрам тадбирида тумандаги маҳаллаларнинг ҳамда корхона ва ташкилотлардан жами 350 дан ортик фаол хотин-қизлар иштирок этишди. Тадбир давомида Ватанимиз равнақи йўлида му-

носиб ҳисса қўшиб келаётган тумандаги бир қатор фаол аёлларга Республика, шаҳар ва туман хотин-қизлар кўмитаси, шаҳар ҳокимлиги томонидан Фахрий ёрликлар топширди.

Тошкент Давлат юридик институти талабалари ижросидаги баҳор ҳамда оналарни мадҳ этувчи дилбар куй-қўшиқлар, жозибали рақслар байрам тадбирига ўзгача файз бағишлади. Хотин-қизлар байрамига бағишланган ана шундай тадбирлар барча туманларда кенг нишонланмоқда.

Гулором АҚРОМОВА  
СУРАТЛАРДА: байрам тадбиридан лавҳалар.  
Наталья Семёнова  
олган суратлар.

**ТАҚДИМОТ МАРОСИМИ**

Пойтахтимизда янги - «ZAMIN FM» радиостанцияси ва «JannatMakon» беэақли ижтимоий-маданий журналининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Ҳар икки оммавий ахборот воситаси таъсисчиси — юртимиздаги «Terra Group» компанияси.

«ZAMIN FM» радиостанцияси ўз фаолиятида замонавий радиостанцияларга асосланади. Уни нафақат пойтахтимизда, балки мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам тинглаш мумкин.

Янги радиостанциянинг фарқли жиҳати шундаки, унда эшиттиришлар фақат ўзбек тилида олиб борилади, Шарқ мусикалари янграйди.

Бундан ташқари, ушбу каналда спорт, санъат, маданият ва ижтимоий мавзулардаги радиоэшиттиришлар берилди.

Кенг оммага мўлжалланган «JannatMakon» ижтимоий-маданий журнали ўзбек тилида ҳар ойда чоп этилади. Наشرни тайёрлашда бадиий беэақларга алоҳида эътибор қаратилади.

**ҲАЁТ ЧАРОҒБОНИ**

Хур ўлкамизга баҳор кириб келиши билан байрамлар бир-бирига улашиб кетади. Айниқса хотин-қизлар байрами — 8 мартга бағишланган гўзал тадбир юрт иши, фарзанд қамоли йўлида фидойилик, ғайрату шижоат кўрсатаётган мунис ва меҳрибон аёлларимизнинг кўнгилларини тоғдек кўтариб, янги-янги режаларга, ютуқларга чорлайди.

Куни кеча Чилонзор туманидаги «Кичик Дўмбиробод» маҳалла гузарида ҳам тўрт юздан ортик оначону опа сингиллар учун «Аёл — ҳаёт чароғбони» деб номланган бадиий-мусиқали кеча ташкил этилди.

Чиройли байрам дастурхони тузалиб, шўх куй-қўшиқлар янграган тадбирни туман ҳокими Хусниддин Маҳ-

камов очар экан, азиз ва муътабар онажонларни, жамият ҳаётида фаол бўлган опа-сингилларни байрам билан муборакбод этиб, ишларига ривож, оилаларига тинчлик, соғлиқ-саломатлик тилади. Туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Муаттар Содикова туман фахри ва гурури бўлган хотин-қизларга Фахрий ёрликлар топширди.

**МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ АНЖУМАН**

Миллат фахри, эл таянчи бўлган аёлларнинг сихат-саломатлиги, эртамиз давомчилари бўлган фарзандларнинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши давлатимиз томонидан энг долзарб масалалардан бири сифатида эътироф этилмоқда.

Жорий йилнинг «Сихат-саломатлик йили» деб номланиши эса бу йўлда яна бир муҳим қадам бўлди. Шайхонтохур туманидаги Олим Хўжаев маҳалласида бўлиб ўтган «Аёл соғлиги — эл бойлиги» деб номланган маънавий-маърифий тадбир ҳам айнан юқоридаги мақсадларни кўзлабган ҳолда ташкил этилди.

Республика «Маънавият ва маърифат» маркази, Республика Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси, Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази ва шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ҳамкорлигида ўтказилган ушбу тадбирда маҳалладаги фаол аёллар, қатор корхона ва ташкилот вакиллари қатнашдилар.

Сихат-саломатлик йилининг мазмун-моҳияти, «Аёл соғлиги — эл бойлиги» каби қатор мавзуларда сўз юритилган ушбу даврада аёл саломатлиги, фарзандлар тарбияси, турли касалликларнинг олдини олиш ҳақида етакчи мутахассислар, таниқли олим шифокорларнинг кенгаши маслаҳатлари эшитилди.

Чиройли байрам дастурхони беэақган, дилдан суҳбат қўрилган ушбу даврада маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдурашид Нажмиддинов маҳалланинг фахрий аёлларини байрам билан қутлаб, эсдалик совғаларини топширди.

А.Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти талабаларининг бадиий чиқишлари эса барчада яхши таассурот қолдирди.

(Ўз мухбиримиз)

**АЁЛ БИЛАН ҲАЁТ МУНАВВАР**

Аёллар табиатнинг назокатли, латофатли, сабр-тоқатли, қаноатли хилқатлари ҳисобланади. Улар билан ҳаёт гўзал, олам мунаввар, кунлар ойдин, тунлар чароғондир. Аёллар борган давраларда нафосат, ибо ва ҳаё жамулжам, заҳматкашлик муҷассамдир.

Куни кеча шаҳримиздаги 312-мактабда «Аёл маънавияти ва сихат-саломатлик» деб номланган тадбир ўтказилди. Уни Акмал Икромов туманидаги «Уриқзор» маҳалласи ва 312-мактаб ҳамкорлигида ташкил этишди.

Кечада «Уриқзор» маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Раъно Турсунхўжаева ва 312-мактаб директори Василяхон Хошимовалар сўзга чиқиб, бугунги кун аёлининг жамиятдаги роли, оиладаги ўрни ҳақида, қизларимизни турмушга тайёрлаш, уларни ўзбекона руҳда шарқона тарбия билан вояга етказиш, оилада тиббий маданиятни ошириш борасидаги ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Шундан сўнг сўз шоира Турсуной Содиковага берилди. Шоира меҳр-муҳаббат, инсонийлик туйғулари, ҳалоллик, сабр-тоқат ва ҳар бир ўтган ва ўтаётган кунимизга шукроналик билан қараш, болаларни асраб-авайлаш, улар билан дўстона муносабатда бўлиш ҳақидаги фикрларини самимият билан баён этди.

Шунинг баробарида ёш қизларга ва келинларга тегишли бўлган ибратли воқеаларни мисоллар билан тушунтириб берди. Ушбу маънавий-маърифий кеча илиқ таассуротларга бой тарзда ўтди. Маҳаллаларимизда бундай тадбирларни ўтказиб туриш кишиларни эзгулик сари чорлайди, яхшиликка ундайди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

—Маҳалламиз ободлиги, хонадонимиз тинчлиги хотиржамлиги сининг жонқуралигинингиз, заҳматли меҳнатингиз, беқиёс меҳрингиз туфайли, — деди жумладан тадбирда сўз олган маҳалла фуқаролар йиғини раиси Комилжон Қаюмов. — Ҳамиша соғ-саломат, эзгу ва хайрли ишларга бош бўлиб юринг.

Тадбирда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Камолиддин Раҳимов ва бошқа эл ардоғидаги санъаткорлар ижросида шўх куй-қўшиқлар янгради. 232-ўрта мактаб ўқувчилари ижросидаги қувнок кўшиқлар эса узоқ вақт ёдда қоладиган бўлди.

Шоира  
МУҲАМЕДОВА

## Малловлар

### ХАЁ, ИБО МАЛИКАЛАРИ

Ўзбек қизлари қадимдан одоб-ахлоқ, ҳаё, ибо ва назокату нафосатга бой, пазанда, чевар сингари фазилатлар эгаси бўлишган. Қиз боланинг ҳусни аввало унинг ҳаёси, ибосида, одобида дейдилар. Бугунги кунда илму маърифат эгаллаш билан бирга турли хил ҳунар ўрганишга интилаётган қизлар кўпчиликини ташкил этади.

Қизларни оилага тайёрлаш, уларни соғлом, ҳар томонлама билимли, оқила, доно ҳамда буюк инсоний фазилатлар эгаси қилиб тарбиялаш энг долзарб вазифалардандир. Чунки қиз бола—бўлғуси она, оила бекаси дидир. Шу мақсадда шахримизнинг барча туманларида «Маҳалланинг энг намунали қизи» кўрик-танлови бўлиб ўтди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши ташаббуси билан яқинда Мирзо Улуғбек туманидаги ўқувчилар ижодий марказида «Маҳалланинг энг намунали қизи» танлови бўлиб ўтди. Танловда тумандаги 13 та маҳалланинг ибратли, оқила қизлари ўзaro беллашдилар.

Қизлар бешта йўналиш бўйича, яъни маҳалла ҳаёти, миллий урф-одатлар, қадриятларимиз, ҳамда ёшларни ҳаётга тайёрлаш, санъатга бўлган муносабатларини билдириб, ўз билим-кўникмаларини намойиш этдилар. Бир-бирдан оқила, зукко қизлар ўз иқтидорларини кўрсатиб, ҳайбат аъзолари томонидан муносиб баҳо олдилар. Танловда «Янги ҳаёт» маҳалласидан Гулчехра Нигматжоннова мутлақ ғолиб бўлди. Биринчи ўрин «Мустақиллик» маҳалласидан Барно Содиқовага, иккинчи ўрин «Дўстлик» маҳалласидан Шахноза Холмухамедова, учинчи ўрин эса Ф.Хўжаев ва «Дархон», «Олтин тепа» ҳамда «Оққўрғон» маҳалласи қизларига насиб этди.

Ушбу танловни ўтказишдан мақсад ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий ва интеллектуал салоҳиятини аниқлаш, оила, маҳалла ҳақидаги тушунчаларини бойитиш, уларнинг миллий қадриятларини билишига кўмаклашиш, қизларни турмушга тайёрлаш, уй-рўзгор ишларидаги билимларини аниқлашдан иборатдир.

Танлов сўнггида «Маҳалланинг энг намунали қизи» номига сазовор бўлган қизлар ҳомийлар томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди.

(Ўз мухбиримиз)



Айни чоғда мана шундай нурафшон, гўзалликка бурканган фаслда хотин-қизлар



байрами нишонланиши бежиз эмас. Лобар ва дилбар опа-сингилларимиз айни баҳор фаслида табиатга монанд нафосату назокат, латофатга бой бўлиб чирой очдилар. Сахий куёш бугун халқимизнинг шодиёна айёмлари тухфа этиб чарогон ва заррин нурларини сочмоқда.

## СЕНИ СОҒИНДИК, НАВРЎЗИ!

Бугун она-табиатимизда ажиб бир янгилашни, уйғониш бошланди. Баҳор, Баҳорой келди. Эрта тонгда эсган баҳорий насимлар кир-адирларда буй кўрсатган ялғиз ва ифорли гуллар ҳидини димоғимизга урмоқда. Орзиқиб кутганимиз гўзал Наврўз нафаси ўлкамиз узра кезмоқда.

Наврўз яқин. Ушбу байрамни кексаю ёш интиқлик билан кутмоқда. Момоларимиз сумалак пишириш ҳаракатида. Деҳқонларимиз дала юмушлари сари ошиқшмоқда. Ҳа, Наврўз ёруғ кунларнинг, кут-баракали шодиёна кунларнинг бошланишидир. Наврўз бир кунлик байрам эмас, у асрларга татигулик боқий байрамдир.

Шоирнинг шеърида, санъаткорнинг сўзида Наврўз мадҳи, қушларнинг чуғураши, ёмғирнинг ёқими шивалаш, момақалдиқорнинг гумбурию баҳорнинг ёқими шабадасида Наврўз нафаси уфурди. Севимли шоиримиз Абдулла Орипов тили билан айтганда:

Авалл юрагингга мўралайди у,  
Сўнгра куртакларга ўргатади сўз.  
Заминнинг кўзидан қочади уйку,  
Демак Баҳор келди,  
Келмоқда Наврўз...

Буюк аллома Алишер Навоий бобомиз ҳам «Ҳар кунинг Наврўз бўлсин» деганла-

рида инсонларга бетакрор гўзаллик, нафосат, шодиёналик, меҳр-окибат, тўқинлики назарда тулган бўлсалар ажаб эмас.

Наврўзни баҳорнинг энг тансиқ таоми бўлган сумалаксиз тасаввур қилмайсиз. Тотли ва шифобахш сумалакни тайёрлаш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Унинг ҳам ўз усталари бўлади. Маҳалламизда бир қайвони онахон — Маҳфуза ая яшардилар. Ҳар баҳорда Наврўз айёми бошланди дегунча биринчи бўлиб катта дошқозонда сумалак пиширдилар. Аёлларни йиғиб қизиқарли ривоятлар, лапарлар айтиб ҳаммани ўзларига қаратар, ёш-яланларни ўйинга тортардилар. Қозон атрофида кувнок қаҳчақа, базму жамшид тонггача давом этарди. Мана уч йилдики маҳалламизнинг онабониси, ҳалол ва камтарин ҳаммага меҳрибон, маслаҳатгўй аямиз орамизда йўқлар. Ҳар Наврўз айёмида аянинг ўринлари жуда-жуда билинади. Кўриниб турибдики,



қадимдан ота-боболаримиз Наврўз байрамида сумалак, ҳалим тайёрлаб, кўк сомсаю чучваралар пишириб ўртада баҳам кўрганлар. Наврўзни ўйин-кулги, шодиёналик билан нишонлаганлар. Гина-қудратларни унутиб, яқинлар, кўни-қўшиларни, беморларни бориб қуришган. Шунинг учун ҳам бу миллий қадриятларимиз ҳозирги кунда эъозланиб давом этмоқда. Мана шундай эзгуликларга йўғрилган Наврўз айёмимиз юртимизда абадий давом этсин, инсонларни фақат яхшилик, тотувлик, ҳалолликка чорласин.

Фасли навбахор ўлди,  
Кетибон зимистонлар,  
Дўстлар ганиматдур,  
Сайр этинг гулистонлар...  
Дилором ИКРОМОВА

## МИЛЛИЙ АРМИЯ — ОСОЙИШТА ҲАЁТИМИЗ КАФОЛАТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ҳам сонли, замон талабларига жавоб бера оладиган, ҳар қандай синовларни енгишга қодир, бутунлай янги асосларда ташкил этилган ва стратегик мақсадларимизга мос келадиган Қуролли Кучларни шакллантириш борасида гоят улкан ишлар амалга оширилмаётган.

Айни пайтда Қуролли Кучларимиз сафларида Ватанга садоқатли, халқимизнинг тинчлигини муштахам ҳимоя қилишга, сарҳадларимиз дахлсизлигини кўз қорачигидек асрашга қодир ёшлар хизмат қилмоқда. Юртимизда ҳарбий хизмат амалда обрў-эътиборли касбга айланиб бораётган.

Пойтахтимиздаги Марказий офицерлар уйида «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг тарихи, бугуни ва келажак» мавзусида ўтказилган республика илмий-амалий анжуманида ана шулар ҳақида сўз юритилди. Тадбир Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар маркази билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Анжуманда Президент, Қуролли Кучлар Олий

Бош Қўмондони Ислам Каримовнинг Ватан ҳимоячилари кўни муносабати билан Қуролли Кучлар шахсий таркибига йўллаган байрам табригида билдирилган фикрлардан келиб чиқиб, ёшларни Ватанга, миллий ва умумбашариий қадриятларга садоқат руҳида камол топтириш ва унда жамоат ташкилотларининг тутган ўрни, Қуролли Кучларимиз тарихини ўрганиш ва ўргатиш каби масалалар муҳокама этилди. Республика Фанлар академияси Тарих институтининг директори Д.Алимова, «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари Қ.Аъзамов, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Б.Ўбайдуллаевнинг ҳарбий хизматчиларни оқсак ватанпарварлик руҳида тарбиялаш билан боғлиқ масалаларга оид маърузалари тингланди.

Ўзбек Миллий академик драма театрида 8 март — хотин-қизлар байрамига бағишланган «Аёл, экология ва саломатлик» мавзусида учрашув бўлиб ўтди. Тадбир «Экосан» халқаро экология ва саломатлик ташкилотининг «Соғлом муҳит — соғлом ҳаёт асоси» дастурини амалга ошириш доирасида Тошкент шаҳар ободонлаштириш бош бошқармаси билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда бошқарманинг турли бўлимлари ходимлари иштирок этди.

## ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА ЭКОЛОГИЯ

Учрашувда атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш борасида хотин-қизларнинг роли катта эканлиги таъкидланди. Мамлакатда экологик таълим ва тарбияни ривожлантириш, истеъмол ва ишлаб чиқаришнинг экологик хавфсиз тузилмаларини ташкил этиш, табиий ресурсларни бошқаришга замонавий ёндашуви шакллантиришга қаратилган фаолиятда уларнинг иштироки йилдан йилга ортиб бормоқда. Бу борадаги ишлар экотизимдаги бузилишларнинг айнан хотин-қизлар ва болаларга кўпроқ салбий таъсир кўрсатаётгани боис ҳам жуда долзарбдир.

Шу муносабат билан «Экосан» ташкилоти томонидан

1995 йилдан бошлаб «Аёл ва атроф-муҳит» дастури амалга оширилмоқда. У хотин-қизлар манфаатларини таъминлаш, уларнинг соғлиғи ва турмуш шароитларини яхшилаш, ижтимоий-экологик тадбирларда иштирокини кенгайтиришга қаратилган. Дастури амалга оширишга республикамизнинг қўллаб-қўллаш хотин-қизлар жамоат ташкилотлари ҳам жалб қилинган. Маҳаллалар, меҳнат жамоаларида аҳоли саломатлиги ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга бағишланган учрашувлар ўтказилмоқда.

Бугун Тошкент шаҳар ободонлаштириш бош бошқармасида 2,5 мингдан ортик хотин-қизлар меҳнат қилмоқда.

Уларнинг кўпчилиги ободонлаштириш ва кўкамзорлаштириш ишлари билан шуғулланиди. Улар шаҳардаги кўчалар, истироҳат боғлари ва хиёбонларни анвойи гуллар билан безатади. Пойтахтимизнинг кундан кунга чиройли, тоза ва озода бўлишида уларнинг хизмати катта. Бу эса ўз навбатида шаҳарнинг экологик аҳолини ва тошкентликлар саломатлигини яхшилашга ёрдам беради.

Учрашувда ободонлаштириш бош бошқармасининг 400 нафар энг яхши ходимиغا эсдалик совғалари топширилди. Тадбир Ўзбекистон санъат усталарининг байрам концерти билан якунланди.

ЎЗА

## Малловлар

### «АТИРГУЛ—2004»

#### ГОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Маълумки, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва «Журналисти аёллар клуби» бир неча йиллардан буён иждоқкор журналист аёллар ўртасида «Атиргул» танловини ўтказиб келмоқда. Анъанавий тус олган ушбу танловда республикамиз ҳаётидаги янгиловчилар, ўзгаришлар жараёни, ютуқ ва камчиликларни йил давомида фаол, таъсирчан ёритиб бorgan журналист аёлларнинг ижод намуналари баҳоланади.

Яқинда Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Атиргул—2004» танловининг голибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

—Ушбу танлов голиблари ҳар йили 8 Март — хотин-қизлар байрами арафасида аниқланиб, тақдирланади, — дейди Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитасининг раиси Фарида Абдурахимова. — Бу танлов иждоқкор хотин-қизлар орасида ўзига хос ижодий мусобақанинг шаклланиши ва ривожланишига туртки бўлаётган. Бу албатта даврий матбуот, телевидение ва радио залворли мақола ва кўрсатув ҳамда эшиттиришлар билан бойишига сабаб бўлади. Мазкур танловнинг эътиборга молик томонлари шундаки, у вилоятлардаги истеъодларни, сергайрат журналист аёллар ва қизларни кашф қилмоқда. Уларни қўллаб-қувватлаб, ижодий ҳамкорликка чорламоқда.

Тадбирда «Атиргул» танлови голиблари аниқланиб эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Шу кўни Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган «Иждоқкор аёллар» уюшмасининг тақдироти ҳам бўлиб ўтди.

Гулнора ХАМИДОВА

Уйнинг биринчи йўлагиди ўриндиқда ўтирган ёшгина икки аёлнинг гапи эътиборимизни тортди:  
— Худого минг қатла шукур-а, хавонинг исганини қаранг, — деди бири. Иккинчиси эса унга жавобан:  
— Бугун болалар ҳам бир яйрадики, чунки уйдан кўчамиз иссиқроқ, хонадонимиздаги моғор хидидан кўнглинг айнийди, — деди...

Узи айни шу муддао: кўп қаватли уйларда ахвол қандайлигини билиш мақсадида борганимиз учун ҳам улар билан озгина суҳбатлашганимиз лозим топдик.

— Вой, аҳолиимизни сўрайдиганлар ҳам бор эканку, — деди аёллардан бири. — Икки йилдан буён аэобдамиз, десам асло муболага эмас. Қишни дийдираб ўтказамиз. Ана ишонмасангиз эшитинг ёки кириб кўринг ертўламыз сувга тўла. Қувурлар чириб, ёрилиб ётибди. Халиям шу ахволда 9 қаватли уйимизнинг тик турганига хайронмиз. Қиши билан ертўладан пар кўтарилиб, томдан чакка ўтиб бир-бирига ҳамоҳан бўлганини хонадон ва йўлақларимизга кирсангиз яққол кўрасиз...

Хақиқатан ҳам минг бор эшитгандан бир бор кўрган афзал, дедиму ичкарига йўналдим. Балким ишонмасиз, эртақларда айтилади-ку: бир бор экан... деб худди ана шундай ҳолатга тушдим. Уйнинг 60-хонадонига қадам қўяр эканман, димомимга қўланса хид урилди. Аввалига хайрон бўлдим, лекин хоналарни бир-бир кўздан кечириб, девор ва шифтдаги қолқора моғорларга кўзим тушиб ҳаммасига тушундим.

— Хайрон бўлманг, — деди хонадон соҳибаси Лена Кан, — 2 йилдан буён арз қила-қила ушбу ахволда кўниқиб қолдик. Бу ертўладан кўтарилган бунинг оқибати, ахир хоналаримиз исмайди-да. Э, тўғриси айтганда бунақа азобни ҳеч кимга раво кўрмаймиз...

— Утган йили яхши ният билан хонадонимизни таъмирдан чиқаргандик, — дейди 54-хонадон эгаси Фирдавс Мустаева ўз уйига бошлар экан куюниб, — ўзим 11 гуруҳ ногирониман. «Ипақчи» ширкатига қайта-қайта ёзма, оғзаки арз қилдик, бошқа идораларга ҳам мурожаат этдик.

У қўлимизга 2002 йил май ойида Шайхонтоҳур туман ҳокимлигига ёзган аризасини тутқазди. Унинг орқа тарафига масъул ҳодимлардан бири 2002 йил 30 майда «Ариза қабул қилинди. 15 кун ичида ёзма жавоб берилади», дея қўл қўйган бўлса-да, ўтган давр мубоайида на ёзма, на оғзаки жавоб бўлгани йўқ. Ахир бу масъулиятсизликми ёки ўта бепарволик. Негаки яшовчилари дардлари дoston бўлган ушбу уйда 178 та хонадон эгалари яшашди.

— Ширкатга бирлашганимиздан кейин 3 марта раҳбар ўзгар-

ди-ю, лекин уйимиз ахволи бой-бойгича қолди, — деди 3-йўлак 52-хонадонда яшовчи Рима Аминова. — Шу йил қиши билан оила аъзоларимиз совуқдан азият чекиб, касал бўлишди. Узим бронхитман, 16 яшар ўғлим эса қанча қанча кийиниб, уч-тўртта кўрпага уранмасин, буйрагини шамоллатиб олди. Дорига кетган пулларимиз-чи. Тўғриси айтиш керак, кўрсатилган барча хизматлар, яъни совуқ сув, газ, иссиқ сув, электр қуввати ҳақини ўз вақтида тўлаймиз. Аммо киши бўли совуқда ўтирсак-да иссиқлик, яъни кўрсатилмаган хизмат учун ҳақ, чилангар ёки сантехник чакрасак келмаса, томимиздан чакки ўтса, ҳовлиларимизни ўзимиз тозаласак-да ширкат фойдаланиш харажатлари пулини талаб қилса, ахир шу инсофданими? Қуни-кеча уялмай-нетмай иссиқлик таъминоти ходимлари тўлов қозғоғини кўтариб келишди. Ахир аҳолиимиз шундай равшан бўлиб турибди-ку.

— Киш-ку охиради, энди ёзининг ташвиши ҳам бошимизда турибди, — дейди 66-хонадондан Холисхон Қосимова. — Чунки ертўлада сув бўлгач, чивинлар кўпаяди. Эшик ёки деразаларни очшдан кўрқамиз. Агар билмай очиб қўйсангиз, кечаси билан чивинларга тайёр ўлжа бўласиз. Бир неча йилдан буён бирор марта ширкат томонидан бунга қарши чора қўлланилмади. Ахир ишончимизни қозониши учун ширкатнинг қандайдир саъй-ҳаракатини сезишимиз керакми? Тўғри, бозор иқтисодиёти, ҳамма нарса маблагга бориб такалади. Лекин бизнинг аввалиги тўлаган пулларимиз қаёққа кетди? Яна шундай бўлиб қолаверамизми?

Йўлақларга назар соламини: деворлари кўчиб, уваланиб кетган, чакка ўтиб, ҳатто электр шитларига ҳам зарар етказган, сув олтинчи қаватга оқиб тушган. Айрим йўлақлардаги хонадон эгалари ўзлари қўлларидан келганча таъмирлаб қўйишган, лекин уларга ҳам чакка излари етказган. Айтишларича, ниҳоят қишнинг энг совуқ палласи — январь ойида ертўлада иссиқлик қувурларини таъмирлаш бошланганди, лекин хозиргача 3 та бригада алмашибди. Энди ишлар ҳам шунга яраша бўлади-да.

107-хонадон соҳибаси Моншак Эрмақбоевани ишдан қайтаётган пайтда учратдик.

— Қарздорларни кўйиб туринг, аммо тўловларни вақтида бажарадиган хонадон аъзоларининг айби нима, нима учун улар

ҳам баб-баравар азият чекишлари керак? — деди у куюниб, — кишда совуқда ўтирдик, лифт ишламайди, хадемай чивин ва пашалар хонадонимиз «меҳмони» бўлишди.

Ушбу воқеаларнинг барчаси Шайхонтоҳур туманидаги «Ипақ-

уй бошқарувчиси Ҳасан Азизов, — ертўладаги қувурдан сув оқиб кетибди. Эрталаб ширкатдан сантехник чақирганмиз. Ертўла сувга тўяпти, лекин ундан хабар йўқ. 1983 йилда қурилган уйимизнинг ертўласидан иссиқ ва совуқ сув қувурлари ўтган йилда анча югур-югурлардан кейин капитал таъмирдан чиқарилди. Тан олиш керак, бу йилги қиш мавсумини муаммоларсиз ўтказдик. Лекин бир йил ўтмай ўрнатилган қувурларнинг хунар кўрсатаётганини қандай баҳолаша бўлади? Ахир бу мендан кетгунча, эгасига етгунча дегани эмасми? Таъмир учун давлатнинг қанча маблағи кетган.

Энди ширкат хусусида тўхталадиган бўлсак, икки йилдан буён «Ипақчи»га аъзо-миз, лекин югур-югурларсиз бирорта наф кўрганамиз йўқ. Юқори қаватдаги барча хонадонлардан чакка ўтади. Ана шунинг ярми таъмирланди, ярми эса ўлда-жўлда қолди. 21 йилдан буён йўлақларимиз бирор марта таъмирланмади. Тўғри, тўй, йилнинг қиладиган яшовчилар ўзлари амал-тақал қилиб оқлаб, бўяб қўйишди. Кўчамизга фаррошнинг сулуғриси теғмайди, йўлақларимиздаги деразаларнинг кўпчилигида ойна йўқ, ёмғир бемалол кириб туради. Албатта, йўлак ва ҳовлиларни ўзимиз ҳаммаша тозалаб қўямиз. Ёз ойларида юқори қаватларга кунлаб совуқ сув чиқмайди. Бунинг асосий боиси ёнимиздаги «Гулзор» тўйхонаси билан битта насосдан фойдаланамиз. Ёзда нима кўп, тўй кўп, йилнинг кўп, улاردан орта-аса аҳоли сув ичади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, кейинги пайтда чирогимиз ҳам тез-тез ўчиб қоляпти. Бир неча йиллардан буён ертўламыз зах бўлгани боис ҳам сичқону қаламушлар, чивинлар уя қуриб олган. Энди лифт муаммосига келсак, ҳар ойда хонадон эгалари 300 минг сўмдан зиёд пулни лифт учун тўлайди. Лекин энг қизиғи, у бўзилиб қолса, яна пул тўлаб таъмирлатамиз. Биз лифт ташкили билан ширкат орқали эмас, тўғридан-тўғри шартнома тузиш тарафдоримиз, ана шунда ахвол бироз ўнғланиб, хизмат кўрсатувчилар масъулияти ортармиди?

Ўзингиз айтинг, шунча муаммоларимизни биргаликда ҳал

## «ИПАК»ЧИНИНГ ЎГАЙ УЙЛАРИ

### ёки дарди бисёр яшовчилар

Сиртдан қараганда биз ҳикоя қилмоқчи бўлган кўп қаватли уйда ҳаёт осуда кечаётгандай кўринади. Негаки биз таширф буюрган қуни болалар ҳовлида ўз ўйинлари билан андармон. Кечки пайт бўлгани учун кимдир ишдан қайтаётган, яна кимдир юмушдан қайтгану кечки овқатга уннамоқда.



чи» уй-жой мулкдорлари ширкатига қайтаётган генерал Узоқов кўчасида жойлашган 60«А» уйда содиёр бўлмоқда. Ушбу уйдаги ҳар бир хонадон аъзоси билан гаплашсангиз, камчилик ва нуқсонларни кашф этаверасиз. Нафақат кашф этасиз, ишботи-ни ҳам кўзингиз билан кўрасиз...

Ширкат раиси Ботир Зокировка мурожаат қилишдан олдин шу кўчадаги яна бир 9 қаватли 117 хонадондан иборат 2-уйга таширф буюрдик.


— Мана сизга бугунги ҳолатни айта қолай, — гап бошлади

## Ҷағов — тежамкорликка гаров

### ҲИСОБДА АДАШМАЙМИЗ

Ҳар бир нарсанинг ҳисоб-китоби бор. Шу боис ҳам «Ҳисобини билмаган ҳамёнидан айрилар», деб бежизга айтишмайди. Масалан, бебаҳо бойликларимиз саналмиш сув, газ, электр энергияларидан режасиз, исрофгарчилик билан фойдаланиш ҳам ҳамёнингизга зарар бўлса, ҳам қимматбаҳо неъматларнинг кадрига етмасликдан дарак беради. Бунинг ҳозирда хонадонига ҳисоблагич ўрнатиб, ана шу асосда тўловларни амалга ошираётганлар жуда яхши билишадди.

Маълумки, барча турдаги ҳисоблагичларнинг тежамкорликда муҳим омил эканлигини тажриба исботламоқда, ўтказилган мониторинглар бунинг аниқ кўрсатмоқда. Негаки, сарфига яраша ҳақ тўлагандан кей-



ин тежамкорликка ҳам аҳамият қаратилади-да. Пойтахтимизда ҳам ана шундай ҳисоблаш ускуналарини ишлаб чиқариш ва ўрнатишга алоҳида аҳамият билан ёндашилмоқда.

Шуни таъкидлаш ўринлики, Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги «Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасига замонавий ҳисобга олиш при-

борларини ва ресурсларни тежовчи технологияларни жорий этиш дастури тўғрисида»ги қарорига кўра ҳисоблагичлар ўрнатиши тўлиқ тугаллаш муддатлари кўрсатилган. Жумладан, табиий газни ҳисобга олиш приборларини 2005 йил 1 сентябргача, совуқ ва иссиқ сув учун ҳисоблагичларни 2007 йил 1 июлигача, кўп қаватли уйларнинг кириш жойларига иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш ускуналарини 2007 йил 1 январигача ўрнатиш белги-ланган.

Ана шу қарор ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимининг 2005 йил 17

февралдаги қарориди ҳам юқоридаги мuddатлар кўрсатилган. Рақамларга тўхталадиган бўлсак, пойтахтимизда 2005 йил 1 январь ҳолатига кўра жами 363931 та газ ҳисоблагичлар, 188188 та совуқ сув ҳисоблагичлар, кўп қаватли уйлар хонадонларига 44536 та иссиқ сув ҳисоблагичлар ва кўп қаватли уйларнинг кириш қисмига 338 та иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш приборлари ўрнатилган.

(Уз мухбиримиз)

# УЙ-ЖОЙ-КОММУНАЛ ХИЗМАТИ: ИСТИҚБОЛ ВА МУАММОЛАР

## Туманларда

### ҲАРАКАТ ҚИЛГАН ИМКОН ТОПАДИ

Биз Акмал Икромов туманида бўлиб, коммунал соҳада қилинаётган ишлар билан ақидан танишишга ҳаракат қилдик. Таъкидлаш лозимки, туман миқёсида шу вақтга қадар уй-жой мулкдорлари ширкатлари 38 та бўлган, эндиликда эса бу кўрсаткич 50 тага етди. Гап фақат сонда эмас, албатта. Тузилаётган ширкатлар олдида масъулиятли вазибалар тургани аён ҳақиқат. Туманда 683 та кўп қаватли уй мавжуд бўлиб, уларнинг аксариятида коммунал хизматга дахлдор муаммолар мавжуд.

— Ушбу муаммолар ечимини топиш учун эса янги ташкил этилаётган ширкатлар вазибаларини аниқ белгилаб олмағи, талабга жавоб берадиган раҳбар сайланмоғи лозим.

Шу нуқтага назардан туманининг «Ширин» маҳалласи худудидаги уйлардаги санитария, мавсумий ишлар, бу ерда истиқомат қиладиган аҳолининг олиб борилаётган юмушларга муносабати билан қизиқдик. Уйларда 7741 нафар аҳоли яшайди. Биноларнинг дотор барчаси 1966 йилги Тошкент зилзиласидан кейин қурилган.

— Куни кеча Президентимиз томонидан имзоланган Қарор-батта кўзда тутилган талабларни бажариш борасида муайян ишларни олиб бормоқдамиз, — дейди «Нилуфар» сервис аҳоли-га коммунал хизмат кўрсатиш идораси раҳбари Абдуллатиф Маннопов. — Шу кунга қадар қўшимча равишда 5 та ширкат тuzилди. Ширкатлар ҳозирда махсус ўрам-

## Туманларда

### ҲАРАКАТ ҚИЛГАН ИМКОН ТОПАДИ

Биз Акмал Икромов туманида бўлиб, коммунал соҳада қилинаётган ишлар билан ақидан танишишга ҳаракат қилдик. Таъкидлаш лозимки, туман миқёсида шу вақтга қадар уй-жой мулкдорлари ширкатлари 38 та бўлган, эндиликда эса бу кўрсаткич 50 тага етди. Гап фақат сонда эмас, албатта. Тузилаётган ширкатлар олдида масъулиятли вазибалар тургани аён ҳақиқат. Туманда 683 та кўп қаватли уй мавжуд бўлиб, уларнинг аксариятида коммунал хизматга дахлдор муаммолар мавжуд.

— Ушбу муаммолар ечимини топиш учун эса янги ташкил этилаётган ширкатлар вазибаларини аниқ белгилаб олмағи, талабга жавоб берадиган раҳбар сайланмоғи лозим.

Шу нуқтага назардан туманининг «Ширин» маҳалласи худудидаги уйлардаги санитария, мавсумий ишлар, бу ерда истиқомат қиладиган аҳолининг олиб борилаётган юмушларга муносабати билан қизиқдик. Уйларда 7741 нафар аҳоли яшайди. Биноларнинг дотор барчаси 1966 йилги Тошкент зилзиласидан кейин қурилган.

— Куни кеча Президентимиз томонидан имзоланган Қарор-батта кўзда тутилган талабларни бажариш борасида муайян ишларни олиб бормоқдамиз, — дейди «Нилуфар» сервис аҳоли-га коммунал хизмат кўрсатиш идораси раҳбари Абдуллатиф Маннопов. — Шу кунга қадар қўшимча равишда 5 та ширкат тuzилди. Ширкатлар ҳозирда махсус ўрам-

## Туманларда

### ҲАРАКАТ ҚИЛГАН ИМКОН ТОПАДИ

Биз Акмал Икромов туманида бўлиб, коммунал соҳада қилинаётган ишлар билан ақидан танишишга ҳаракат қилдик. Таъкидлаш лозимки, туман миқёсида шу вақтга қадар уй-жой мулкдорлари ширкатлари 38 та бўлган, эндиликда эса бу кўрсаткич 50 тага етди. Гап фақат сонда эмас, албатта. Тузилаётган ширкатлар олдида масъулиятли вазибалар тургани аён ҳақиқат. Туманда 683 та кўп қаватли уй мавжуд бўлиб, уларнинг аксариятида коммунал хизматга дахлдор муаммолар мавжуд.

— Ушбу муаммолар ечимини топиш учун эса янги ташкил этилаётган ширкатлар вазибаларини аниқ белгилаб олмағи, талабга жавоб берадиган раҳбар сайланмоғи лозим.

Шу нуқтага назардан туманининг «Ширин» маҳалласи худудидаги уйлардаги санитария, мавсумий ишлар, бу ерда истиқомат қиладиган аҳолининг олиб борилаётган юмушларга муносабати билан қизиқдик. Уйларда 7741 нафар аҳоли яшайди. Биноларнинг дотор барчаси 1966 йилги Тошкент зилзиласидан кейин қурилган.

— Куни кеча Президентимиз томонидан имзоланган Қарор-батта кўзда тутилган талабларни бажариш борасида муайян ишларни олиб бормоқдамиз, — дейди «Нилуфар» сервис аҳоли-га коммунал хизмат кўрсатиш идораси раҳбари Абдуллатиф Маннопов. — Шу кунга қадар қўшимча равишда 5 та ширкат тuzилди. Ширкатлар ҳозирда махсус ўрам-

## Фарз

### БАҲОНАНИНГ ЧЕГАРАСИ БОРМИ?

Бугун барчамиз истеъмолчи сифатида ҳақ-ҳуқуқларимизни жуда яхши англаб бораёмиз. Бу қувонарли ҳол, албатта. Лекин шу билан бир қаторда мажбуриятларимизни тўғри тушуниб, бурчимизни ҳам вақтида бажарасан айтиш муддао бўларди.

Гап нима ҳақда кетаётганини кўпчилик яхши англаб турибди. Негаки бу биринчи чиқишимиз эмас, яъни тўловлар масаласи, қарздорлик муаммоси ҳақида доимий бериб борамиз. Бу албатта, қарздорларни «зангори олов»ни аҳолига етказиб бериш машаққатларини уйлалаша, уйларида бир неча кун газ бўлмаслигини тасаввур қилишса қарзларини тезроқ ушшармиди. Ваҳоланки, Президентимиз томонидан 2005 йил 11 февралда имзоланган фойдаланиш, ҳақини тўламаётганларга тааллуқли. А.Икромов тумани, 15-мавзе, 17-уй, 12-хонадон эгаси Султонновнинг иссиқ сув ва иссиқликдан 116 670 сўм, шу мавзедоги 21-уй, 29-хонадонда яшовчи Рихсиевнинг 101650 сўм қарзи бору тўлаш ҳаёлида ҳам йўқ. Тумандаги Тўрақулова кўчаси, 1-йўлак, 9-ўйдан Р.Боймуродов 122350 сўм, Мухаббат кўчаси, 50-ўйдан А.Маҳаматхўжаев 68054 сўм, Тўқимачи кўчаси, 63-ўйдан Ф.Исмоилова 66790 сўм ҳақини тўламаяпти.

Шунингдек, Собир Раҳимов тумани, Очил Бобохонов кўчаси, 30-ўйдан Ғофуров 150796 сўм, Мевазор кўчаси, 7-ўйдан Сулипов 68 минг сўм, Қўқзор кўчаси, 29-ўйдан Шокиров 61690 сўм ёқилган газ пулини тўлаш ҳақида уйлаб ҳам кўрма-япти. Улар қундалиқ турмуши-миз учун ниҳоятда зарур, ҳар бир хонадонда асқотадиган «зангори олов»ни аҳолига етказиб бериш машаққатларини уйлалаша, уйларида бир неча кун газ бўлмаслигини тасаввур қилишса қарзларини тезроқ ушшармиди. Ваҳоланки, Президентимиз томонидан 2005 йил 11 февралда имзоланган фойдаланиш, ҳақини тўламаётганларга тааллуқли. А.Икромов тумани, 15-мавзе, 17-уй, 12-хонадон эгаси Султонновнинг иссиқ сув ва иссиқликдан 116 670 сўм, шу мавзедоги 21-уй, 29-хонадонда яшовчи Рихсиевнинг 101650 сўм қарзи бору тўлаш ҳаёлида ҳам йўқ. Тумандаги Тўрақулова кўчаси, 1-йўлак, 9-ўйдан Р.Боймуродов 122350 сўм, Мухаббат кўчаси, 50-ўйдан А.Маҳаматхўжаев 68054 сўм, Тўқимачи кўчаси, 63-ўйдан Ф.Исмоилова 66790 сўм ҳақини тўламаяпти.

Шунингдек, Собир Раҳимов тумани, Очил Бобохонов кўчаси, 30-ўйдан Ғофуров 150796 сўм, Мевазор кўчаси, 7-ўйдан Сулипов 68 минг сўм, Қўқзор кўчаси, 29-ўйдан Шокиров 61690 сўм ёқилган газ пулини тўлаш ҳақида уйлаб ҳам кўрма-япти. Улар қундалиқ турмуши-миз учун ниҳоятда зарур, ҳар бир хонадонда асқотадиган «зангори олов»ни аҳолига етказиб бериш машаққатларини уйлалаша, уйларида бир неча кун газ бўлмаслигини тасаввур қилишса қарзларини тезроқ ушшармиди. Ваҳоланки, Президентимиз томонидан 2005 йил 11 февралда имзоланган фойдаланиш, ҳақини тўламаётганларга тааллуқли. А.Икромов тумани, 15-мавзе, 17-уй, 12-хонадон эгаси Султонновнинг иссиқ сув ва иссиқликдан 116 670 сўм, шу мавзедоги 21-уй, 29-хонадонда яшовчи Рихсиевнинг 101650 сўм қарзи бору тўлаш ҳаёлида ҳам йўқ. Тумандаги Тўрақулова кўчаси, 1-йўлак, 9-ўйдан Р.Боймуродов 122350 сўм, Мухаббат кўчаси, 50-ўйдан А.Маҳаматхўжаев 68054 сўм, Тўқимачи кўчаси, 63-ўйдан Ф.Исмоилова 66790 сўм ҳақини тўламаяпти.

Шунингдек, Собир Раҳимов тумани, Очил Бобохонов кўчаси, 30-ўйдан Ғофуров 150796 сўм, Мевазор кўчаси, 7-ўйдан Сулипов 68 минг сўм, Қўқзор кўчаси, 29-ўйдан Шокиров 61690 сўм ёқилган газ пулини тўлаш ҳақида уйлаб ҳам кўрма-япти. Улар қундалиқ турмуши-миз учун ниҳоятда зарур, ҳар бир хонадонда асқотадиган «зангори олов»ни аҳолига етказиб бериш машаққатларини уйлалаша, уйларида бир неча кун газ бўлмаслигини тасаввур қилишса қарзларини тезроқ ушшармиди. Ваҳоланки, Президентимиз томонидан 2005 йил 11 февралда имзоланган фойдаланиш, ҳақини тўламаётганларга тааллуқли. А.Икромов тумани, 15-мавзе, 17-уй, 12-хонадон эгаси Султонновнинг иссиқ сув ва иссиқликдан 116 670 сўм, шу мавзедоги 21-уй, 29-хонадонда яшовчи Рихсиевнинг 101650 сўм қарзи бору тўлаш ҳаёлида ҳам йўқ. Тумандаги Тўрақулова кўчаси, 1-йўлак, 9-ўйдан Р.Боймуродов 122350 сўм, Мухаббат кўчаси, 50-ўйдан А.Маҳаматхўжаев 68054 сўм, Тўқимачи кўчаси, 63-ўйдан Ф.Исмоилова 66790 сўм ҳақини тўламаяпти.

## ИССИҚ СУВ ҚАНЧА ТУРАДИ?

Жорий йилнинг 1 февралдан бошлаб иссиқ сув ва иситиш учун янги нарх белгиланганлигини айтишди. Шу ҳақда маълумот бераёмиз. Гулнора АРЗИЕВА, уй бекаси.

2005 йил 1 февралдан бошлаб марказлашган иссиқлик ва иссиқ сув таъминоти учун қуйидаги ойлик тариф (нарх)лар белгиланганлигини айтишди. Шу ҳақда маълумот бераёмиз.

## Сўраш, жавоб берамиз

Марказий иситиш учун ойнага 1 квадрат метр турар жой майдонини учун 146 сўм, иссиқ сув таъминоти учун эса ҳисобга олувчи асбоблар бўлмаган тақдирда киши бошига ойнага 1924 сўмдан, умумий қўшилиш ётоқхонасига эга ётоқхоналарга 965 сўм тўланади. Агарда хонадоннингизда иссиқ сувни ҳисоблаш ускунаси ўрнатилган бўлса ойнага 1 куб метр учун 443 сўмдан (месёр 3,2 метр куб, бир киши учун) тўланади. Мабодо ойлик метрдадан ортиб кетса 1 метр кубига 503 сўмдан ҳақ тўланади.

## ИССИҚ СУВ ҚАНЧА ТУРАДИ?

Жорий йилнинг 1 февралдан бошлаб иссиқ сув ва иситиш учун янги нарх белгиланганлигини айтишди. Шу ҳақда маълумот бераёмиз.

2005 йил 1 февралдан бошлаб марказлашган иссиқлик ва иссиқ сув таъминоти учун қуйидаги ойлик тариф (нарх)лар белгиланганлигини айтишди. Шу ҳақда маълумот бераёмиз.

(Уз мухбиримиз)

Гулнора АРЗИЕВА, уй бекаси.

## Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўтганим  
доно бўлур...

● Агар дунёда энг яхши лаззат мавжуд бўлса, билгинки у ҳам бўлса — қаноат лаззатидир. Қаноатли киши роҳат-фароғатда яшаши билан бирга бошқа кишиларга ҳам яхши муомалада бўлади, уларни ҳам ўзи каби шодлик сари етаклайди. Узгалар ҳам қаноатли кишини хурмат қилади.

● Унутмагинки, душман насиҳатига қараб иш тутмоқ хато, аммо нима демокчи эканини билиб қўймоқ фойдадан холи эмас. Унинг айтганига қарши иш тутсанг тўғри юрган бўласан.

Бир доно айтадики, агар бирор кимсаннинг ҳақиқий дўст ёки душманлигини билмоқчи бўлсанг, унга маслаҳат сол, берган маслаҳатинг тўғри ёки нотўғрлигига қара шундан ўзингга тегишли хулоса чиқариб оласан.

● Хар ким бирор ишнинг талабиди қадам қўйса бу ишнинг қийинчиликлари чадаши керак. Мақсад қабаси сари йўлга чиққан одам заҳмат саҳросидан чўчимаслиги, ундаги барча говларни энгиб ўтишга интиломи доркор.

● Гийбат қабих феъллардан биридир. Гийбат қанчалик оз бўлса-да, унинг келтирадиган зарари ва офати денгиз уммони кабир. Бирор кишининг орқасидан гапириш, айбини топиш, ёмонлаш, бола-чақаси, хотини, хулқи, бойлиги ҳақида бемаза фиску фасод гапларни гапиришнинг барчаси гийбат ҳисобланади. Ва бу гийбатчининг ўзини ҳам балолар домига итаради.

● Бесабрлик одат бўлса инсонга, Отган ўқи тегмас асло нишонга!

● Ҳақимлар айтадилар: — Бирор иш юзасидан маслаҳатлашмоқчи бўлсанг, битта оқил киши билан маслаҳатлаш, кўпчиликка айтилган маслаҳатли иш нуқсондан холи бўлмайди.

Бир араб олими: — Ақлдан улкан бойлик, нодонликдан катта бахтсизлик ва маслаҳатдан кучли суянчиқ йўқ! — деган эди.

● Саҳий одам душманлик ва адоватдан қочган, ўз қалбиди муҳаббат, садоқатга йўл очган бўлади. Саҳий киши мисдан ясалган кўзага ўхшайди: тез тайёрланади-ю аммо узок вақт ўз эгасига хизмат қилади. Очқўзи киши сопол идишга ўхшайди: уни ясаб қийнади, лекин узокқа етмай тез синади.

● Илмли киши ҳазина бўлса, унинг қалти саволдир. Савол билан илм ҳазинаси очилади ва ундан кўп нарса ўрганилади. Афлотун ҳақимдан:

— Шунча илми қандай ҳосил қилдинг? — деб сўрадилар.

У мулоҳаза билан жавоб беради:

— Илм ўқиётган пайтларимда ёндирган чироқ мойини ҳисобласанг еб-ичан нарсаларимдан кўпроқ бўлади. Бундан билиб олиш мумкинки, вақтни еб-ичиш ва ўйнаш қайфу сафога сарфлашдан кўра илмга сарфлаш зарурроқ экан.

● Кишиларга улардан аввалроқ салом беришга шовил, бу улуг кишиларнинг энг олий фахрларидан бири бўлиб, камтарлик нишонларидан биридир.

● Хар ким билан, у қандай одам бўлишидан қатъи назар, очик юзлилик билан сўзлаш!

Кишининг ҳаётида бир умр эсда қоладиган яхши-ёмон кунлар бўлади. 1971 йилнинг май ойи қамини учун унутилмас бўлди. Навбатдаги таътилим шу ойга тўғри келди. Тошкентга қайтган кунимнинг эртасигаёқ одатим бўйича «Оқшом» газетаси таҳририятга бордим. Қадрдонлар, таниш-билишлар билан кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашиб бўлган, улар мени кўздан бери Саъдулла Кароматов йўқлаётганлигини айтишди.

Бош муҳаррир кайфиятсиз, унчалик шушамайгина қабул қилди.

— Менга ёзган хатларингизда «Оқшом»да ишлаш нияти бор деган эдингиз, — деди у мени ўтиришга таклиф қилиб. — Агар шу истагингиз сўнмаган бўлса иш жойингиздан бўшаб келинг. Биз сизни ишга қабул қиламиз. Лекин олдиндан айтиб қўйиб, бу пойтахт газетаси. Талаб ҳам кучли, ҳам оғир бўлади. Шунга чидасангиз ишлайсиз, бўлмаса, иссиқ жойингизни совутманг. Боринг, ўйлаб кўриш учун сизга бир ҳафта муҳлат.

Бир хурсанд бўламан, бир хайрон. Нима қилсам экан? Шундай савол билан кўпларга мурожаат қилдим. Жавоблар эса турлича. Уларни жамлаб, чамалаб ҳисоб-китоб қилиб кўрсам, натижа «ўзинг биласан, ўзингга қара» деган сўз билан якуланди. Ниҳоят нима бўлса бўлсин, барибир «Оқшом»да ишлайман, деган қарорга келдим.

Орадан уч кун ўтиб ўшга қайтдим. Ҳамкасб дўстларим фикримни эшитиб норози бўлишди. Бош муҳарриримиз Одилжон ака охириги гапни айтди. «Сизга руҳсат йўқ». Таниш-билишларни ўртага солдим. Фикрим қатъийлигини айтдим. Бу орада яна икки кун ўтди. Хуллас учинчи кунни менга руҳсат тегди. Тўрт йил биргаллик таҳририят тўплогини ялаган, яхши-ёмон кунларни ёнма-ён ўтказган қадрдонлар билан хайрлашиб оғир кечди...

— Шаҳар хўжалиги бўлимида ишлайсиз, — деди Саъдулла ака аризамаг имзо чека туриб. — Шу бўлим бошқарувчиси Марва Жалолдидинова декретга чиққан. Бугундан ишни бошлаш. Бўлим оғир, кенг тармоқли, ёрдамлашамиз. Сиз билан бир хонада ўтирадиган Абдувоҳид Ҳатамов «Вечерний Ташкент» газетаси бўйича шу бўлимни бошқаради. Тажрибали йигит. Ўша билан ҳамкорликда ишласангиз ўрганиб кетасиз.

Ишга келган биринчи куним сира эсимдан қиймади. Собиқ «Пушкин» меҳмон-хонасининг икки қаватли биносига жойлашган таҳририятимизда забардаст журналистлар Максим Каримов, Тўлқин Расулев, Ўткир Хошимов, Раҳматулла Файзуллаев, Абдуғани Абдуллаев, Насриддин Муҳаммадиев, Алиназар Эгамназаров, Абдусаммад Обиджўраевдан ташқари Кенжа Ҳамроев, Михаил Савельев, Дмитрий Теплов, Шароф Шералиев, Вера Лапина ишлашарди. Ҳозир уларнинг баъзилари ҳаётдан кўз юмган. Кўплари кексалик гапшини суришяпти. Баъзилари ҳали ҳам республикамизнинг энг йирик газети ва журналларида ёшларга ибрат кўрсатиб ишлашмоқда.

Хар сафар ҳамкасбларимнинг матбуот саҳифаларида тез-тез босилиб турадиган долзарб ва жўшқин мақолаларини ўқиганимда уша ёшлиқдаги кунларимиз кўз олдимдан бирма-бир ўтади. Бош муҳарриримиз Саъдулла аканинг талабчан ва қаттиққўлчилиги, Максим аканинг келишувчанлиги, Тўлқин аканинг икки гапнинг бирини «азимиз»лаб туриши, Ўткир аканинг шўх, беозор қитмирлиги, Михаил Савельевнинг хар бир йиғилишдаги «оташин» нотиклиги, Абдусаммад аканинг куюнчак ва жиззакчилигини унутиб бўлармиди. Мен ҳаммаша мана шундай дилбар, беозор, ҳамиятли, дўстга содиқ ижодкорлар билан бирга ишлаганимдан фахрланаман.

Унча катта бўлмаган хонада опти киши ўтираемиз. Хонанинг икки томонига ўнчадан стол-стул қўйилган. Ўқорида бўлим мудирлари Шароф Шералиев, Владимир Чеботин, ўртада ходимлар Светлана Замостянова, Кенжа Ҳамроев, Пастела эса қамини ва Абдувоҳид Ҳатамовлар ўрин олганми. Хона тор ва айна ёз палласи бўлгани учун ўта иссиқ ва дим. Алмосқондан қолган биттагина совуттич ўртанимизда талаш-тортиш. Ҳали унимиз, ҳали бунимиз ишлатамиз. Баъзи вақтларда иссиқ ва хонанинг тикилинчилигидан шикоят қилиб қолсам, мендан икки-уч йил олдин иш бошлаган ҳамжоналарим «Ҳозир жаннатдамикю, олдинги Кирив (ҳозирги Мустафо Камол Отатурк) кўчасидаги қишлоқ хўжалиги институти жойлашган бирини иш бошлаганимиз-

да бир хонада ўн кишилаб ўтиришимизга тўғри келган, дейишади. Жаннати шунақа бўлса, олдингиси қанақа бўлган экан, деб ўйланиб қоламан.

Инсонда кўникма деган нарса бор. Дастлаб сенга ноқулай, нотабиий кўринган баъзи ҳолатларга кўнур ўтиши билан ўрганиб, мослашиб кетасан. «Бошга тушганини кўз кўрар» деганларидек, бора-бора ўша нарсалар сенга одатийдек туюлиб қолади.

Ойлар ўтиб барча қатори таҳририятдаги шариотга мослашиб кетдим. Бош муҳарриримизга берган ваъданим эслаб ва ундан дақиқ эшитмаслик учун, ҳали анча-мунча «янги-лигимни эслаб бўлимнинг ишига ўта берилиб кетдим. Адабий-бадий мавзуларга кўл урмай қўйибман шекилли, бир кунни Ўткир ака билан Тўлқин ака ўртага олишди.

— Олдинлари бинойидек ҳикоя, ҳажвиалар ёзиб турардинг. Ахлоқ-одоб, оила мавзуидаги ҳаётий лавҳаларингни кўп ўқирдик. Нега кейинги вақтларда шу мавзуларга кўл урмай қўйддинг, дейишди.

Мен бўлимнинг ишидан ортамаътанли-

## Ҳамкасб сароси

«ОҚШОМ»НИНГ  
ЎТГАН КУНЛАРИ  
ОЛТИНЧИ ҲИКОЯ

гимни айтдим.

— Бўлмаган гап, — деди Ўткир ака фикримни инкор этиб. — Истасанг ҳамма нарсанга улгурасан, фақат кунт бўлса бас.

Элнинг ардоқли ёзувчиси бўлган Ўткир Хошимовдек, хоҳ журналистикада, хоҳ адабиётда бўлсин дадил қадам тебрата оладиган Тўлқин Расулевдек устозлардан бундай гапларни эшитиш мароқли эди. Шу гап баҳона тури матбуот органларида ҳикоям, суд очеркларим босилиб чиқди. Ҳамкасби ижодига хурмат ва эътибори бўлиши ўшанда яна бир қарра юрадан ҳик этдим.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳаким Назир эсдаликларидан:

— «Тошкент оқшоми» чиқа бошлаган кундан қатнашмоқ шу газетани кўздан қўймай қўли келаман. Мамлакатимиз ва унинг пойтахти ҳаётида, шунингдек, дунёдаги муҳим янгиликлар ҳақида газета саҳифалари орқали танишиб борамиз. Жамиятимизда амалга оширилаётган иқтисодий, маънавий ислохотлар, халқимиз турмуш тарзида оз бераётган жиддий ўзгаришлар, янгиликлар газета саҳифаларида мунтазам кенг ва атрофчиқа ёритиб борилади. Ушбу қизиқарли мақолалар, сўхбатлар, хабарларда ҳаётдаги ташвишу муқсонлар, инсонларнинг ўй-фикрлари, қаъсдалари, интилишлари ҳикоя қилинади.

Газета ёш авлод тарбиясига эътиборни қўнайтиргани ҳолда бу долзарб мавзунини атрофчиқа кенг ёритиб бормоқда. Шу мавзуда кўп амалий, фойдали чиқишлар уюштирилди. Ранг-баранг рунклар остида мазмунли мақолалар чоп этилди. Айниқса, «Дилкаш сўхбатлар», «Оз-оз ўрганиб доно бўлур», «Ўзбек адиблари — «Оқшом» учун», «Бу ҳаёт бўстонида», «Сиз кутган учрашув» рунклари остида бериб борилаётган мақолалар, албатта газетонлар эътиборини тортмай қўймайди. Айниқса, газетанинг деярли хар сониди жиддий мақола, хабарлар қатори, адабиёт ва санъатга доир ранг-баранг материалларга ҳам кенг ўрин бериб борилаётгани барчага манзур бўлмоқда. Таҳририят диёримизнинг таникли публицистлари, ёзувчилари, санъат вакилларини ҳамкорликка чорляпти. Натижада газетонлар адабиёт ва санъат оламидаги янгиликлардан ўз вақтида хабардор бўлмоқда.

Каминанинг ҳам бир неча йиллардан буюн бадий асарлари, мақолалари биринчи бўлиб севимли «Тошкент оқшоми» газетаси саҳифаларида ёритиб келинади. Бундан албатта хурсандман. Нимаики ёсам «Оқшом»га олиб келаман. Чунки бу менинг энг севимли, энг қадрдон газетам, доимий ҳамроҳим...

Ўша йиллари «Оқшом» ҳамроҳи бўлиб қолган қаламкаш адибларни бирма-бир санаб адогага етиш қийин, албатта. Шундай бўлса-да, ўша муҳлисларимизга эътибор сифатида улардан бир нечтасини санаб ўтишни лозим топдик. Хусусан, улар ора-

сидан филология фанлари доктори Малик Муродов, тиббиёт фанлари номзоди Зикрилла Эгамбердиев, элшунос олим Билал Аминов, фалсафа фанлари номзоди Карим Маҳмудов, шарқшунос олим Ориф Усмонов, шоир ва ёзувчилардан Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Шўхрат, Мирмуҳсин, Ҳамид Фулом, Жуманиёз Жабборов, Восит Саъдулла, Султон Акбарий, Воҳид Зоҳидов каби бир қатор фаолларимизни тилга олгимиз келади. Бугунги кунда ҳам улар орасида ҳаёт бўлганлари (ўтганларнинг охири обод бўлсин) ҳали ҳам «Оқшом» билан ошно. Улар йиллар давомида ўларанинг ранг-баранг мақолалари, поэзия ва проза жанрларидаги асарлари билан газета мавзуларининг ранг-баранглигига яқиндан ёрдам кўрсатиб келишяпти.

«Оқшом»нинг фаол жамоатчи муҳбирларидан бири педагогика фанлари номзоди Акбар Алиев шундай ҳикоя қилади:

— «Тошкент ҳақиқати» газетасида бўлим мудирини бўлиб ишлаб юрган йилларим эди. «Тошкент оқшоми» шаҳар газетаси очилганидан бўлиб қолди. Таҳририятни малакали журналист кадрлар билан тўлдириб жараёни осон кечмади. Лекин шунга қарамай, газета ўз вақтида ва сифатли ҳамда қизиқарли тарзда ўқувчилар қўлига етиб бориб турди. Янги газета чоп этилиши муносабати билан вилоят газетаси бўлган «Тошкент ҳақиқати» саҳифаларида пойтахт ҳаётига оид материаллар ўз-ўзидан камайди, чунки бу вазифани «Оқшом» ўз зиммасига олганди. Барча ҳамкасбларим қатори мен ҳам янги газетани ўз мақолаларим билан қатнаша бошладим. Педагог олим сифатида халқ таълими ва маънавиятга доир мақолалар ёзиб «Оқшом»да чоп этирдим. Бўлим мудирини Тўлқин Расулев (марҳум) билан ижодий ҳамкорликда бир неча саҳифалар тайёрладик. Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-текириш институти фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи мавзуйи мақолалар бўйича алоҳида саҳифа тайёрлаб чоп этдик. Тошкент Давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг 50 йиллик тантанасига бағишлаб ёзилган туркум мақолалар ҳам газетонлар эътиборига ҳавола этилди.

«Оқшом» оммалашгандан оммалашиб кетди. Бунда ўз хабар ва мақолалари билан қатнашган жамоатчи муаллифларнинг ҳам ҳиссалари катта албатта. Шу ўринда фаол жамоатчи муҳбирлардан бири халқ маорифи аълочиси Саъдулла Султонов (марҳум) ҳақида бир-икки оғиз сўз айтиб ўтмоқчиман. У дастлаб бизнинг газетамизда ўз мақолалари, хабарлари, лавҳалари билан чиқиб турди. Жамоатчи муҳбиримизнинг бизга келтираётган материаллари кўпроқ шаҳар мавзусига оид бўларди. Шунинг учун мен унга шундай мақолаларни «Тошкент оқшоми»да чоп этиришни маслаҳат бердим. Бу фикрим унга маъқул бўлди. Кейин биргаллашиб «Оқшом» таҳририятига бордик. Саъдулла Султоновни шу ердаги ҳамкасбларим билан таништириб қўйдим. Шундан кейин у «Оқшом»нинг фаол муаллифига айланди. Бир қанча мақола, хабарлар, лавҳалар ёзиб газета мавзусини ранг-баранг бўлишига ўзининг ҳиссасини қўшди. Унинг «Она меҳри», «Маориф аълочиси», «Шифокорлар оиласи» каби мақолалари таҳририят йиғилишларида яхши баҳоланди. Саъдулла Султонов умрининг охиригача «Оқшом»нинг фаол жамоатчи муҳбири бўлиб қолди.

Тиббиёт фанлари номзоди, республикада хизмат кўрсатган шифокор Зикрилла Эгамбердиевни ҳам «Оқшом»чилар яхши эслашди. У ҳам дастлаб журналистик фаолиятини «Тошкент ҳақиқати»да жамоатчи муҳбир сифатида бошлаган эди. Зикрилла ака менинг маслаҳатим билан «Оқшом»га борди ва унинг жамоаси билан тезда тил топишиб кетди. Шу боис Зикрилла Эгамбердиевнинг турли мавзуларга оид мақолалари «Оқшом» саҳифаларини безади. Кейинчалик бориб бу мақолалар «Тиббиётдаги ажойиб ҳодисалар», «Донлар саломатлиги ҳақида», «Табият бағрида» деб номланган тўпламларида ўз аксини топди.

Газетанинг сарғайиб кетган саҳифаларини варақлар экансиз, йиллар мобайнида пойтахтимиз ҳаётида рўй берган воқеалар кўз олдингиздан бирма-бир ўтади. Шу жиҳатдан «Оқшом» газеталарини ҳақли равишда Тошкентнинг жонли тимсоли деса бўлади.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ

**Ранг-баранг олам**

**ҚАМОҚХОНАДАН  
ҲАМ БАТТАР**

Нью-Йоркнинг шаҳар суди йирик уйлар эгаси Моррис Гроссни 50-квартирага ўн беш суткага ҳукм чиқарган. Краун-хейтсдаги ярим вайрона бу уй ҳам унга қарашли бўлган, деб ёзади Испаниянинг "Паис" газетаси.

Қамашдан кўзланган мақсад шуки, квартирада ижарада турувчилар иситилмайдиган чиқоқсиз, сувсиз ва лифти ишламайдиган уйда қандай яшаётганликларини Гросснинг ўзи кўрсин ва билсин.

**РАНГ АЖРАТА  
ОЛМАГАНЛИГИ  
УЧУН**

Калифорниянинг Мартеинес шаҳрида яшовчи Гилберт Гутьеррес босмақхонадан ишдан ҳайдалгач, қалбаки қоғоз пуллар ишлаб чиқаришга аҳд қилди.

Аммо, "Интернэшнл геральд трибюн" газетасининг хабарига кўра, унинг ўйлаган бу фикри амалга олмаган. Кўзи рангларни яхши ажрата олмаганлиги туфайли Гутьеррес ўз пулларини яшил бўёқ ўрнига қора бўёқ билан босган. Уни дарҳол қўлга олишган.

**УЙДА ЯШОВЧИ  
КИТ**

"Яқин келажакда, — деб таъкидлайди Калифорния университетининг профессори Уильям Хенсен, — уй филлари ва йўлбарслари хоналарида мизда худди ит ва мушукларга ўхшаб бемалол юришаверади. Тўғри, улар ўз авлодларига нисбатан анча кичик бўлишади.

Уй фили унча катта бўлмайди, уйда яшовчи кит эса оддий аквариумга бемалол сиғади. Бундай митти жониворлар ген инженерлиги методи орқали келгуси аср бошларидан амалга оширилади, деб хабар беради Болгариянинг "Орбита" ҳафталикномаси.

**ҚОНУН ЙЎЛИ  
БИЛАН**

Швециядаги барча фокстерьерлар, боксерлар ва бульдоглар яқин кунларда жуда хурсанд бўлишадди. Парламент томонидан жониворларни химоя қилиш ҳақидаги қабул қилинган қонунга кўра, 1 июлдан бошлаб уй ҳайвонларини зарур бўлиб қолган медицина операцияларидан ташқари қилинадиган операцияларнинг барчаси тақиқлаб қўйилади. Энди итларнинг думини, қулогини кесиб, бошқача шаклга келтириш мумкин бўлмай қолади.

**Кўрғазмалар**

**АСР ТЕНГДОШЛАРИ**

Ўзбекистон Бадий академиясининг Замонавий санъат марказида «Бизнинг мерос» бадий асарлар тўпламидан ўрин олган «Аср тенгдошлари» кўрғазмаси очилди.

Кўрғазма экспозициясидан Ўзбекистоннинг таниқли рассомлари П. Бенков, Ҳ. Тансиқбоев, Н. Кашина, А. Николаев, Н. Карахан, З.Ковалевс-

қўшган моҳир ижодкор бўлганликлари таъкидланди.

Экспозициядаги асарлар мавзуси, йўналиши бўйича бир-биридан фарқ қилади. Кўрғазмадан рангтаъбир, миниатюра, натюрморт, портрет, пейзаж, этюд жанридаги асарлар ўрин олган. Бу рассомларнинг ҳар бири ўзининг ёрқин, бетакрор услубига эга. Ижоднинг ўзига хослиги эса оддийликдаги гўзалликни, одатдаги табиат кўринишларини етказиб бера олади. Рассомларнинг полотносида — ўзбек замини, серқуёш ўлкамизнинг гўзал табиати ҳақидаги улкан достонлар мужассам. Бадий кўрғазмалар дирекцияси тўпламларининг бир қисмини ташкил этган мазкур экспозициядаги асарлар минг йилликнинг тенгдошлари ҳисобланган рассомларнинг асарларидир.



«Гуллар», «Нурота тоғларида тонг», «Тоғларда оқшом», «Тарвузлар», «Мактуб», «Кўприкнинг қурилиши», «Она» каби асарлар орқали ҳар бир рассом-

нинг ижоди ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туришини яна бир бор ҳис этамиз. Асарларда турли воқеа-ҳодисалар, қишлоқлар ҳаёти му-

жассамланган бўлиб, тасвирий санъатнинг турли мавзуларини қамраб олган. Кўрғазма 11 мартгача давом этди.

**Юлдуз РИЗАЕВА  
СУРАТЛАРДА: кўрғазмадан  
лавҳалар.**

Владимир Гранкин олган суратлар.

Жанубий Америкада жуда катта йирткич ўргимчак яшайди, унинг бўйи 5 сантиметрча бўлиб, майда кушларга ҳужум қилади. Ўргимчак жағидаги заҳар билан кушларни тишлаб шол қилиб қўяди. Лекин бу йирткичнинг ўзига нисбатан хавфлироқ душмани Бразилияда тарқалган ари ҳисобланади. Унинг ташқи кўриниши бизда яшайдиган қоқоқ аридан каттароқ бўлиб, гавдаси қора рангга бўялган, каналларида оқ доғлари бор.

**Табиат ажойиботлари**

**ЭНГ СЎНГГИ ЧОРАНИ  
ҚЎЛЛАШАДИ**

Кушхўр ўргимчакни кўриб қолган ари унинг теласига келиб айлана бошлайди, ўргимчак ҳам курашга тайёрланади, ўзининг тўртта орқа оёғига таяниб, олдинги икки оёғи билан арига қаршилик кўрсата бошлайди. Ари эса чакқонроқ ҳаракат қилиб ҳар томондан ўргимчакка ташланади. Ана шундай кураш жараёнида ўргимчак изчилроқ ҳаракат қилиб гавда мувозанатини йўқотиши мумкин. Бундай ҳолат ўргимчак учун фожиали аяқланади. Ари бир лаҳзада ўргимчак устига чиқиб олиб ўзининг заҳарли қуролини ишга солади ва нимжон бўлиб қолган ўргимчакни кўтарганича инига олиб кетади ва унинг устига тухум қўяди.

Тухумдан чиққан гўмбақ хўжайин ҳисобига яшаб, дастлаб унинг иккинчи даражали, кейинчалик эса ўта муҳим аъзолари билан озиқланади. Табиийки, гўмбақнинг паразитлик фаолиятида онг ва ақлга ўрин йўқ, албатта, буларнинг ҳаммаси инстинктдан иборат холос.

Яна шундай жониворлар ҳам борки, улар ўзларига жарроҳлик хизматини кўрсатадилар. Улар ўзларининг баъзи бир аъзоларини узиб ташласалар ҳам бундан зиён кўрмайдилар. Уларнинг ҳаёти ўта хавф остида қолгандагина бундай энг сўнгги чорани қўлайдилар. Ёзининг иссиқ кунларида чигирткиани ушламоқчи бўлганингизда у бир оёғини ташлаб қочади, худди шунга ўхшаш ҳодисани калтакесакларда ҳам кузатиш мумкин. Узилиб қолган дум бўлаги турган жойида тўлганавериб душманини чағғитиб қўяди. Маълум вақт ўтгач калтакесакнинг думи яна ўсиб чиқади, лекин у олдингисидан калтароқ — тўмтоқроқ бўлади. Шунини айтиш керакки, аутотомия ҳодисаси содда тузилган жониворларда яққолроқ намоён бўлади, организм тизими мураккаблашгани сари йўқолган аъзоларнинг тикланиши қийинлашиб боради.

Аутотомия ҳодисаси яна бир қизиқ жониворларда учрайди. Гап фалатурий ёки денгиз бодринги ҳақида борапти. Улар денгиз тубида (10 минг метр чуқурликда) ўтроқ ҳаёт кечиради ва денгизда яшовчи жонотларнинг 90 фоизини ташкил этади. Энг йирикларининг бўйи 2 метргача боради. Бу жониворнинг ҳаёти хавф остида қолса, орқасидан овқат ҳазм қилиш аъзоларини ташқарига чиқариб ташлайди. Хавф юқори бўлганда эса бошқа аъзоларини ҳам чиқаради. Қизиги шундаки, бундай ҳолат ҳайвоннинг ўзига ҳеч қандай зиён келтирмайди, бироқ вақт ўтгач, йўқолган аъзоларини қайтадан танлаб олади.

**Мунажжим башорати**

**СОФДИЛ ВА  
БЕФАРАЗ БЎЛАЙЛИК**

10 МАРТ, ПАЙШАНБА

Эски Ойнинг 30-ва янги Ойнинг биринчи куни ҳаётингизда муҳим ўзгаришлар бўлишига аjoyиб имконият яратади. Утган ой 29 эмас, тўлиқ 30 кундан иборат бўлгани учун мунажжимлар, бу ой йигирма тўққиз кундан кейин бошланадиган ойларга қараганда яхшироқ имкониятлар туғдиради, деб ҳисоблашмоқда.

Бугун ўз тақдирингизга бирмунча тузатишлар киритишингиз мумкин. Шу кунини сиз бундан кейин тўхтатишингизни мўлжаллаган ишларингизни аяқлаб, баъзи хулосаларни чиқаришингиз, олинган сабоқларни ҳисобга олиб иш қўришингиз керак бўлади.

Айнан шу кеча янги Ойнинг биринчи куни бошланади ва сиз ёқиб қўйган шағам ёнида ўтириб, бу Ойдан нималарни кутаётганингизни фикран ўйлаб кўринг. Бунини бутун тафсилотлари билан кўз олдингизга келтиришга ҳаракат қилинг. Муаммо ва қийинчиликларни ўйламанг, эришилажак натижаларга диққатингизни жамланг. Масалан, сиз озишни истасангиз, ўзингизни очликка маҳкум этмай, қадди-қоматингизни сарвдек тик ва нозик ҳис этишингизнинг ўзи ки-фоя. Шу ҳолатни 10-12 дақиқа миянгизда тақрорланг. Бу мақсадингизга эришиш имконини беради.

Бугунги кун ширини ёмонликка ёмонлик билан жавоб бермасликдан иборат бўлиб, одамларни руҳий маънавий асосда бирлаштиришга хизмат қилади. Меҳр-шафқат, ўзгаларга ёрдам кўрсатишга ҳаракат қилинг.

Янги ишларга қўл урманг, янги танишувлардан ўзингизни тийинг, шовқин-су-

ронли йиғинларда қатнашманг. Устингизга сув тўкилиши-яхшиликка, чинни идишларнинг синиши нохушиликка ишора.

Бугун кечаси кўрилган тушлар ўнгидан келса, қуёш чиққандан кейингилари пуч ва кўрқинчли бўлиши мумкин. Лекин уларга эътибор қилишининг ҳолати йўқ.

Саломатлик масаласида бу кун асабларнинг бузилиши, руҳий хасталиқлар хуружи кузатилиши мумкин. Аллергия реакциялари юз берishi мумкин. Шунинг учун дори-дармонларга ружу қўйманг ва спиртли ичимликлардан ўзингизни тийинг.

Ёрқин ранглардаги либослар, оқ, яшил ва хаворанг кийимлар сизга чирой ва салоҳият бағишлайди. Қора, қизил, сиёҳранг либослардан ўзингизни тортинг. Қимматбаҳо тошлардан зеб-зийнатлар тақманг ва улар билан ишланманг. Уларни бир кунга совуқ сувга ташлаб қўйинг.

**БУГУН:**  
— одамларга яхшилик қилинг, олижаноблик ва самимийлик туйғуларини намоён этинг;

— интеллектуал меҳнат билан ижтимоий муаммоларни ҳал этишга ҳаракат қилинг;

— юристлар, нотариуслар, ҳуқуқий муҳофаза этиш органлари ходимлари билан мулоқотда бўлиб, зарур ҳужжатларни расмийлаштиришингиз мумкин;

— турли муаммоларни ҳал этишда қалбингиз амрига қулоқ тутинг.

Янги танишлар орттириш, сизга таъбирлари ўтадиган кишилар билан учрашиш, ҳазил-мутойба қилиш, енгилликларга йўл қўйиш тавсия этилмайди.

**Спорт**

**НАВБАТДАГИ ЧИРОЙЛИ ГАЛАБА**

Маълумки, ҳаваскорлар ўртасидаги мусобақаларда катта зафар кучган боксчиларимиз Муҳаммадқодир Абдуллаев, Руслан Чагаевлар профессионаллар ўртасида ҳам кетма-кет галабаларга эришиб юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқдалар.

Улар қаторида яна бир иқтидорли чарм тўп устамиз — оғир вазнда WBC Fecaribox чемпионлик камари соҳиби Тимур Ибрагимов ҳам ажойиб галабалари билан мухлислари кўнглини шод этаётгани қувонарли ҳолдир.

Нью-Йоркдаги энг нуфузли «жанг»лар ўтказиладиган «Мэдисон Сквер Гарден» спорт саройида Тимур ўзининг навбатдаги учрашувини ўтказди. Бу гал ҳамюртимизга «майдон» эгаси — АҚШлик боксчи Рональд Беллами рўбарў келди.

Ўз усулига кўра жангни тезкор руҳда бошлаган Т.Ибрагимов кучли зарбалари билан рақибини эсанкиратиб қўйди. Чунончи, Тимур берган аниқ зарба рақибини учинчи раундда чуқур ноқдаун ҳолатига тушириб қўйди. Шу тариқа Рональд Беллами қайта рингга кўтарила олмади ва беллашув Тимурнинг соф галабаси билан аяқланди.

Бу профессионал рингда бешинчи мавсумини ўтказётган юртдошимизнинг жами ўтказган ўн тўққиз учрашувдаги ўн саккизинчи галабаси эди.

**ЧИМЁНДА СПОРТ ФЕСТИВАЛИ**

Бўстонлик туманида жойлашган хушманзара «Чимён» спорт-соғломлаштириш марказида «Чимён Эко — 2005» номи қишки спорт турларининг фестивали бўлиб ўтди.

Жуда қизиқарли ўтган фестиваль дастуридан «салом-гигант» тоифасида тоғ чангиси бўйича республика чемпионати, музга тирмашиб чиқши бўйича очик Ўзбекистон чемпионати, шунингдек, учта ёш тоифаси бўйича ҳаваскор чангичи ва сноубордчилар ўртасида мусобақалар ўрин олди.

Бундан ташқари фестиваль қатнашчилари ва меҳмонлари учун катта маданий дастур ҳам тайёрланди. Унинг доирасида турли-туман викториналар, муаллифлик кўшиқлари кечаси ташкил этилди.

«Соғлом авлод учун» ноҳукумат халқаро хайрия жамғармаси ташаббуси билан соғлом турмуш тарзини тарғиб этишдек хайрли мақсадни кўзлаб ташкил этилган тадбир якунида мусобақа голиби ва совриндорлари тақдирланди.

(Ўз мухбиримиз)



Балалар спорти



**ПОЙТАХТ ЖАМОАСИ БИРИНЧИ**

Уч кун давомида пойтахтимиздаги муҳташам «ЖАР» спорт соғломлаштириш мажмуида болалар ва ўсмирлар ўртасида қаратэ бўйича навбатдаги Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан келган 1200 нафардан зиёд ёш спортчилар чемпионат медаллари учун мurosасиз кураш олиб борди.

Мусобақа якунига кўра, жамоа ҳисобида Тошкент шаҳри биринчи, Қашқадарё қаратэчилари иккинчи, самарқандликлар эса учинчи ўринга муносиб кўрилди.

**СУРАТЛАРДА:** турнирдан лавҳалар. Муҳаммад Амин (ЎзА) олган суратлар.



*Мағбирлар*

**САНЪАТКОРЛАР — МАҲАЛЛАДА**

Юнусобод туманидаги «Оқтепа» маҳалласида байрам арафасида санъаткорлар билан учрашув ўтказиш доимий анъанага айланган. Яқинда Ўзбекистон халқ артистлари, Муқимий номидаги Давлат мусикали театри актёрлари Файзулла Аҳмедов, Суръат Пўлатов ва Наима Пўлатовалар маҳаллага ташриф буюришди.

Маҳалла аҳли етук санъаткорлар билан дилдан сўхбатлашиб, мумтоз кўшиқларидан баҳраманд бўлдилар.

— Эл ардоғидаги санъаткорларимизнинг ҳаёт ва ижод йўллари ҳақидаги марроқли сўхбатлари, «Тоҳир ва Зухра», «Равшан ва Зулхумор» спектаклларидан ижро этган дуэтлари кўнглимизга баҳорий кайфият, эзгулик олиб кирди, — дейди маҳалла оқсоқоли Эркин Турсунов. — Ҳақиқий санъаткорларнинг табаррук ёшида ҳам фонограммасиз, жонли овозда кўшиқ куйлай олишини Суръат Пўлатов ўз кўшиқлари билан исботлаб берди. Маҳалла аҳли бу учрашувдан бир олам завқ, маънавий озиқ олди.

Дарҳақиқат, санъаткор қадами етган жойда кўнгли покланди, эзгуликлар ниш ура бошлайди. Маҳалла фалолари З. Усмонова, Л. Салоҳидиновалар ушбу фикрларни таъкидлаб, халқ хизматида камарбаста санъаткорларга миннатдорчилик билдирдилар.

Маҳмуда ВАЛИЕВА

**ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЭКОЛОГИЯ**

Республика ҳудудида тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва уни олиб бориш даврида албатта экологик талаблар инobatта олиниши зарур. Масалан, айрим иқтисодий минтакаларда санoат, айниқса кимё санoати корхоналарининг зич жойлашганлиги ҳолда уларнинг атроф-муҳитга чиқараётган зарарли моддалари назардан четда қолмаслиги керак албатта. Бундай муаммони ҳал этишда Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ҳудудлари экологик

хусусиятлари инobatта олиниши муҳим ўрин тутди.

Аҳолини рўйхатдан ўтказиш кўрсаткичлари шаҳримизда аҳолининг зич жойлашганлигини тасдиқлайди. Атроф-муҳит об-ҳавонинг бузилишини ҳам ушбу иқтисодий ҳудуд мисолида кўриб чиқсак. Юқоридега айтиб ўтганимиздек, экологик вазиятнинг маълум ҳолатда сақланиши унга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишни такозо қилади. Тадбиркорлик фаолиятида экологик вазифаларни бажариш йўналиши ҳудудий муаммоларининг

устуворликларини аниқлаш ва уларни тезкорлик билан ҳал этишга имконият яратди. Хар бир хусусий тадбиркорлик фаолиятини юритувчи шахсдан айниқса экологик шароити оғир бўлган иқтисодий ҳудудларда мажмуавий ёндошув талаб қилинади. Бизнинг фикримизча бу каби ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантиришда, техник иншоотлардан ва кимёвий мажмуалардан тўғри фойдаланиш ва уларнинг табиатга, атроф-муҳитга келтирадиган таъсирини камайтириш мақсадага мувофиқ бўлади. Бу эса иқтисодий ҳудудларнинг ривожланишига ва аҳолининг турмуш тарзини яхшилланишига олиб келади.

**ДИЛЛОД ПАЙЗИЕВ, Шамшод ЗАРИПОВ, Тошкент Молия институти талабалари.**

*Ҳақлар ва анғаналар*  
**БАҲОРНИ ШУНДАЙ ҚАРШИЛАЙДИЛАР**

Болгариянинг мамлакатимиздаги элчихонасида болгар халқининг баҳор байрами — Мартеница кириб келганлиги муносабати билан очик дарс ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Миллий университетнинг хорижий филология факультети талабалари иштирок этди.

Дарсин чорак асрлик ўқитувчилик тажрибасига эга Нина Рогозинникова олиб борди. Очик дарсда талабалар мазкур мамлакат тарихи ҳақида болгар тилидан ҳикоя қилди.



— Қара хотинжон, байрамнингта қандай торти пишириб қўйдим.  
Абдурасул Ҳақимов чизган расм.

**Муассис:**  
Тошкент шаҳар ҳокимлиги

**Бош муҳаррир**  
**Акмал АҚРОМОВ**  
Манзилимиз: 700000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
хатлар — 133-29-70;  
эълонлар:  
133-28-95, 136-57-65,  
факс: (3712) 133-21-56.  
Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулда босилган.  
5009 нусхада босилди. Қўғоқ биринчи А-3

Газета Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот  
бошқармасида 02-1-рақам  
билан рўйхатта олинган.  
Душанба, сешанба, чоршанба,  
пайшанба ва жума кунлари чиқди.  
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашринг етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишининг мумкин.  
Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.  
«Шарқ» нашрининг-матбoа акциядорлик компанияси босмахонаси.  
Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.